

Бухорода энергетиканинг ривожланиш тарихи

Буюк бардош... Асрлар туфони замонлар киёматидан узлигини фарзандлари яратган «Шашмакомдай» кайгули асрорни, минглаб улуг асарларни, Минораи Калон, Чор Минор, Самоний макбараси каби нодир ёдгорликларни асраб келаётган Бухоро – буюк бардош тимсоли. Дарвоке, Бухорои шариф... Мусулмон оламида Макка ва Мадинадан кейинги уч муқаддас шахарлардан бири булмиш Бухорои шариф багрига ута сехри, ута мураккаб тарихни жо килгандир. Бухоро тарихи чеки қуринмас уммоним, биз атиги бир томчисидан баҳраманд этсак.

«Мозийга кайтиш – хайрли иш» - деб зикр этганди бир вактлар улуг бобомиз Кодирий. Биз Бухорони электрлаштириш билан боғлиқ воқеаларни ёд этишдан илгари ундан-да мозийга кайтсак.

Электр чироклари ёнгунича Бухороликлар тунни шам, кора чирок ёрдамида ёритар эдилар. Саройни, бой хонадонларни ажойиб, накшинкор шамдонлардаги шамлар равшан этса, кайсиdir кулба сохибалари ой нурида кашта тикканлари рост. Хаёт шу тахлитда давом этиб келди. Шам ёргугида Рудакий, Хайрат Бухорий каби бетимсол шоирларнинг беназир асарлари. Чор-Минор, Самоний макбараси мисол улуг иморатларнинг лойихалари дунёга донг чикарган «Тиб конунлари» ва шунга монанд мұъжизалар тугилған.

Афсуслар булсинки, йиллар утган сайин Бухорои шариф мұъжизалари дунё кезди-ю, ютуклари унинг сархандларига тез етиб келмади. Жумладан, кора чирокдан электр чирокларига утиш жараёни Бухорога кеч етиб келди.

1872 йилги Россия боскинидан сунг вохамизга хар хил ёрикли ер чироклар олиб келинди. Бу чироклар кора чирокдан куп жихатлари билан афзал эди.

1911 йилга келиб эса Россия подшоси Николай II, уз салтанати кудратини куз-куз килиш учун булса керак Бухоро амирига электр движок тухфа килади. Бу пайтда амир фармони билан шахар чеккасида баҳаво жойлардан бирида ёзги сарой кад кутараётган эди. Окибат амир Олимхон Николай II совгасини ёзги саройи дарвозаси ёнида урнаттирди. Бухоро тарихидаги илк электр станция дунёга келди. Электр токи ёрдамида сарой заллари, хоналари ховлисими ёритишдай эътирофли ходиса 1913 йилда юз берди, хурсанд буларлиси шундаки, Россия инъоми хозирги музей саналаётган Моҳи-Хосада сакланыёттир.

Октябрь тунтарилишидан кейин хам бир оз муддат Бухоро мустакиллигини буткул бериш фожиаси хис килиб турди. Аммо 1920 йил сентябрида шуро хокимияти Бухорони хам ишгол килди.

Орадан оз муддат утиб, 1923 йилда Бухоро шахрини электрлаштириш иши бошланди. Гуржистонга карашли «Сотсанбо» техник курилиш ташкилоти купчиликка хизмат киладиган илк электр станцияни куриб берди. Илк

станцияда икки хил куринишга эга булган дизель бор эди. Бири шведлар махсулоти булиб, 150 от кучига тенг кувват билан ишласа, иккинчиси Харьков заводида ишлаб чикилган булиб 120 от кучига эди.

Станция кундузлари шахариинг марказий кучалари буйлаб, шифохона, асосий маъмурий давлат корхоналари каби ташкилотларни ёритар, кучкурун Бухоро шарифнинг ун бир: Самарканд, Имом, Углон, Талипич, Шергион, Коракул, Шайх Жалол, Намозгоҳ, Салохона, Карши, Мозор дарвозалари йуналиши буйлаб хамма ёкни нурафшон этар, минглаб хонадонларни зулумотдан кутказарди.

Станциянинг илк ишчилари ун турт киши булиб, 1925 йилда улар сафига яна ун турт киши келиб қушилди. Г.С. Фидельман (станция бошлиги), Л. Эдуард (бош механик), Рогачев, Прохоренко (машинистлар), Ф. Груздев (машинист ёрдамчиси), П.Лодзев (ёгловчи), С.Жарковский (назоратчи-электротехник), К. А. Монтула, Н.И. Лайхнер, В.И. Сильченко (монтерлар), Н. Юнусов (хисобчи), Глухочева Т.А. (машинистка) ва шу кабилар станциянинг илк фаолиятини юзага келтирган иисонлар эдилар.

Илк электр станциясининг ишга тушуви Бухоро вилоятининг хар жихатдан равнаки учун муҳим урин тутди.

1924 йилда электр станцияси хузурида пайвандлаш булими ва ахолига электр ишлари билан бөглиқ буюмлар, турли асбоб-ускуналар сотиладиган дукон очилди. Уша йилнинг 9 нояброда булиб утган очилиш маросимида электр станцияга Мавлонбеков номи берилди.

Кизиги шундаки, станция имкониятлари торлиги сабабли туни билан эмас, ойнинг чикишигача ва ой хира тортганда, хулласки, коронгулик кучайганидагина шахар кучаларида электр чироклари ёкилган.

Йиллар утиб боргани сайин дастлабки электр станция фаолияти давр талабига жавоб беролмай колди. Окибат 1929 йилда станция дизеллари янгиланди. Янги урнатилган «МАН» ёрликли дизелнинг хар бири 400 от кучига эга эди.

Водопроводга электр токини етказиш учун 100 кВт, 6.6 кВ кучга эга булган мотор-генератор урнатилди. Умуман станция жуда катта кувват билан ишлай бошлади. 1934 йилга кадар электр симлари 18 км. жойни эгаллади. Юкори кучланишли тармок «Шахар водопроводи» эса 9,5 кмга чузилди. Астасекин Бухоро шаҳрида йирик ишлаб чикириш ташкилотлари барпо булди. Бу ташкилотларни электрлаштириш эҳтиёжи янги электр станцияларга зарурат тутдирди.

1928 йилда Бухоронинг эски шаҳрида ва Когон шаҳрида электр станциялари курилиш режалаштирилди.

Бутун иттифок электро-техника бирлашмаси Тошкент булими Когон

станцияси учун лойиха ишлаб чиқди. Лойихага кура станция 1400 от кучига эга булган икки дизельдан иборат булиши жоиз эди. Аммо лойиха дизель етказиб берувчи завод режасига тугри келмади. Завод бундан хам каттарок кувватга эга дизельларни тавсия килди. Бу дизелларни урнатиш учун эса барча станцияларни кайта лойихалаштирилиши керак булди. Ушбу тафовут ишнинг 1930 йилгача давом этишига олиб келди.

Кейинрок ишлаб чиқилган лойихага асосланиб, Бухоро шахрида хар бири 2350 от кучи (ёки 1780 кВт) эга булган икки дизелли хамда хар бири 3750 от кучига (ёки 2660 кВт) эга булган 3 дизелли жами 5 дизелли станция куриладиган булди. Станция курилиши 1934 йилга келибгина бошлаб юборилди.

Курилиш иттифоқда илк бор кулланаётган янги усулда амалга оширила бошланди.

Курилишда куплаб кишилар тер тукиб, меҳнат килдилар. Станциянинг битуви оғир кечди. Чунки техниканинг камлиги ва суст ривожи меҳнатнинг куп сарфланишига сабаб булди. Шунинг учун иш 1936 йилнинг 31 майигача чузилиб кетди. Курилиш ишларини тадбиркор инсон И.С. Пильщиков бошкарған эди. Иш якунида станцияга жумхурият шуро халк хокимиятининг илк раҳбари Ф.Ходжаев номи берилди.

Курилиш давом этаётган паллада станция учун булажак машинистлар, ёғловчилар, монтерлар, механиклар тайёрлаш курслари хам ташкил этилди. Станция ишга тушгач, тайёрлов курсларини тугатган Д.Михеев, П. Шумирин, Р. Баширов, А. Фокин, Х. Юсупов, В. Макаров, Г. Шайдулин, Т. Абдуллаев, Ф. Костин, М. Болтаев, Ф. Галиахмедов кабилар станцияда ишлай бошладилар.

Кейинрок Бухого шахрида 1800 кВт кучланишга эга булган трансформаторли подстанция дунёга келди. Когон шахридаги 3516 кВ кучланишга эга трансформаторли подстанция Бухоро шахридаги карши уларок кувватни пасайтириб берарди. Худди шундай ВЛ-35 ли Бухоро-Когон хаво линияси симлари 11 кмга чузилган эди.

90-Д-З маркали 2350 от кучига эга дизель илк бор 1936 йил 21 июнда ишга туширилган булса, худди шундай дизелнинг иккинчиси 1937 йилда ишлатилган эди. Уша йилда эски шахар кенгashi хайъати Бухоро марказий электр станцияси билан эски Бухоро шахри станцияси узаро бөглиниши лозимлиги хакида карор кабул килди. Карор 1937 йил 13 марта кучга кирди. Шу карор натижасида электр станцияларининг бирлашган бошкармаси юзага келди. Ушбу бошкарманинг илк директори этиб И.С. Пильщиков тайинланди.

1937 йилнинг 20 майидан бутун шахар электр тармоклари янги ток кувватига утди. Шу туфайли электр станциясида мавжуд дизеллар истеъмолдан чиқди.

Бу йилларда нафакат электр тармоклари хакида балки унда ишловчи инсонлар хакида гамхурлик килинаётган эди. Ишчиларга яшаш учун уй, маъкул шароит, турли сабзавот зираворларнинг етказиб берилиши, бог, узумзор бунед этиш, ошхона курилиши каби ишлар фикримиз далилидир. Айни дамда 1937 йил 19 июлда хукумат Бухоро марказий тармоклари учун янги курилиш бошлади ва курилиш ишларини бошкариш, ташкил килишни Г.П. Бровиловскийга топширди.

1940 йилга келиб 90-Д-5 маркали 3750 от кучига тенг кувватли З-дизель, 1941 йилда худи шундай 4-дизель ишга тушди.

Улуг Ватан уруши туфали Каломинский ва Сармовский заводлари дизеллар учун зарур кисмлар ишлаб чикишни тухтатиб куйди. Шу боисдан электр станцияси иши сусая бошлади. Бунинг устига тармокларда ишлаётган эркаклар урушга отланиш окибатида ишчи кучи камайиб кетди. Фронт ортидаги барча соҳада булгани сингани, электр тармокларида хам эркаклар урнини иродали, жафокаш аёллар эгаллай бошлади. 1943 йилнинг январига келиб аёллар сони 53 тага етди. Улар машинист, токарь, ёгловчи каби мухим вазифаларни улдалай олдилар. З.Загирова, В.Журавлева, Е.Немчинова, Н.Орзикулова, Е.Воробьева, А. Киреева, Мадёрова, Чиркова, А.Аламина, М.Каликина, А.Славина, Г. Мишакова, П.Проходатская, А. Коршунова, Е.Власова, Е.Виноградова, А.Никишина, Т.Жидких, А.Илюшина, Е.Доскалюк каби аёлларнинг жонбозиги тарих сахифаларига зикр килинса, арзирлидир. Машаккатли бу йилларда ишчилар 2-3 сменада меҳнат килдилар.

Урушдан кейинги йилларда хам дизеллар учун мухим кисмларнинг ишлаб чикилиши ва Бухоро электр тармокларини таъминлаш ишлари илгаригидай колди. Дизеллар кисмлари тез-тез таъмирланди. Шунинг учун дизеллар яrim куч билан унда хам куп ёкилги сарфлаш эвазига ишлади, 6 йил давомида дизеллар таъмир нималигини билмади. Ана шундай оғир укубатли йилларда А.Р. Журавлев, Н. Н. Гуляев, М. Т. Соловьев, М.Челноков, А.А.Немчинов кабилар тежамкорлик ишларини йулга куйиб барчага урнак булдилар.

1946 йилга келиб Бухоро электр тармоклари маркази станцияларнинг кувватини ошириш масаласини кун тартибиغا куйди. Бу даврда факат 1-2-4 ракамли дизеллар ишлаётган, 3-ракамли дизель эҳтиёт кисмларнинг йуклигидан тухтатиб куйилган эди. Вазиятнинг кескинлиги, шахар зулматда бечирок колиши хавфи 1-2-4 ракамли дизелларнинг куйидаги тартиб асосида ишлай бошлашига олиб келди, яъни: бир дизель ишда булса, бир дизель таъмирда, бири эса эҳтиёжда эди. Бу тартиб станция учун ута оғир шароитни тутдирди. 1949 йилнинг мартаға келиб Бухоро вилояти ижроия кумитаси хузуридаги меҳнакашлар ноиблари кенгаши «Бухоро электр станциялари марказини кайта тиклаш ва Бухоро хамда Когон шахарлари электр хизматини яхшилаш

тадбирлари хакида» карор кабул килди. Карорда Бухоро билан Когон шахрида Улуг Ватан уруши йилларригача энергия ишлаб чикариш 115 фоизга етган булса, уруш даври ва урушдан кейинги йилларда оркага кетиш булгани таъкид этилди. Чикарилган карорга кура БухМЭСни кайта тиклаш 1949-50 йилларга амалга оширилмоги зарур эди.

Бу йилларда Бустон, Гиждувон, Шофиркон, Свердлов (хозирги Жондор) электр станцияларини, 30-йилларда бунёд этилган Ромитан ГЭСини кайта тиклаш ишлари бошланди.

1953 йилнинг октябридаги БухМЭС маъмурияти шартнома асосида Бухоро шахрига энергопоездлар келтиришни мулжаллади. 1954 йилнинг июлига келиб эса 78 раками 1000 кВт кучланишга эга булган энергопоезд олиб келинди. Бу илк энергопоезд Феодосия шахридан келтирилган булиб, мутахассислари хам шу шахардан кучиб келди. Шахарда энергопоезд ишчиларига мулжаллаб олтида фин уйлари курилди.

Шувактнинг узида БухМЭС жумхуриятнинг коммунал хужалик вазирлигига мурожаат этиб, Кукон электр станциясидаги каби «Национал» номли дизель жунатилишини суради. 1955 йил январида икинчи булиб Бух МЭС 1250 от кучига эга «Национал» дизелини олишга мушарраф булди ва ишга туширди. Мухими шундаки БухМЭСда энергия 9365 кВтга купайди.

Бухоро электр тармокларида йилдан-йилга узгаришлар руй берга бошлади. 1956 йилнинг бошида ташкилот Америка махсулоти хисобланган 63-раками 3000 кВт кучланишга эга булган энергопоездни кабул килди ва уни Когон шахрида ишга туширди. Бу энергопоезд ишчиларига П.А. Нестин бошчилик кила бошлади.

Энергопоездлар 1958 йилгача кумир билан, ундан кейин табиий газ билан ишлай бошлади.

1956 йилнинг июлида коммунал хужалик вазирлиги билан «Узкомэнергия» трести электр станциялари директорлари туманлар марказларида электрлаштириш ишларини олиб боришни топширди. Бухоро вилоятининг Томди, Кизил тепа, Пешку, Галаосиё туманлари марказларида биринчи булиб электрлаштирилмоги жоиз эди. Худди шу режа амалга оширила бошланди.

Улуг Ватан урушидан кейингина биринчи ЛЭП-35 кВ хаво линияси БухМЭСни Свердлов тумани марказидаги 560 кВт кувватга эга булган трансформаторли 35-6,3 кВ подстанция билан баглади. Тез орада бу трансформатор 1800 кВтли мавжуд трансформатор билан алмаштирилди.

Иккинчи ЛЭП-35 кВ хаво линияси БухМЭСни Гиждувон шахри билан баглаши лозим эди. Ушбу багланиш бевосита Гала-осиё, Ромитан, Вобкент подстанциялари оркали булмоги керак эди. Бу тармок 1956 йил ноябринда Гала-

осиё подстанциясигача этиб келди.

1956 йилнинг октябрида Томди тумани марказида унча катта булмаган 36 кВт куввати бор дизелли электр станцияси ишга туширилди. Окибатда чупонлар юрти саналган бу тупрокнинг чекка-чекка ерларида хам тунлар ёришадиган булди.

Бухорода турли ташкилотлар, янги-яиги курилишлар бунёд этилгани боис электр тармоклари кенгайгандаганда-кенгайиб, «Шарқ» ва «Гарб» 35-6 кВ подстанциялари юзага келгандан сунг, пахта заводи, ёг заводи, тикув ва тукув фабрикалари, шахар шифохонаси учун алоҳида-алоҳида электр хизмати юзага келтирилиши лозимлиги масаласи кун тартибида чиқди.

1959 йил февралда СССР вазирлар кенгаши таксимотига кура Бухорога Ангрендан 4000 кВт куввати мавжуд 124 раками энергопоезд олиб келинди ва 78-раками энергопоезд ёнига урнатилди. Энергопоездлар ёнма-ён булгани туфайли иккаласига хам М.В.Журбин бошлиқ этиб тайинланди.

1959 йилда ЛЭП-35 кВ Л - Гиждувон курилиши, «Вобкент» ва «Ромитан» подстанцияларига бояланиб якун этилди. Бу вактга келиб БухМЭСнинг ялпи куввати 13000 кВтгача кутарилди. Аммо шундай катта кувват хам кундалик турмуш эҳтиёжини, Бухоронинг турли ташкилотлари эҳтиёжини тула коплай олмади. Шу дамда Навоий шаҳрида 800 минг кВт.с. энергия ишлаб чиқарадиган ГРЭС курилиши бошланганлиги айни мудда оэди. Бир вактнинг узида 220 кВ га эга булган Бухоро - Навоий (Л-17-Б) да Бухоро - Чоржуй (Л-Б-Ч) электр тармоклари «Коракул» ва «Хамза» подстанциялари оркали юзага келтирилди.

1965 йилда ВЛ-220 кВ Л-17-Б юкори кучланишли хаво линияси курилиши якунланди.

Узбекистон ССР энергетика ва электрлаштириш вазирлигининг 1963 йил 9 январда кабул килган 22-ракамили карорига биноан, БухМЭС заминида Бухоро электр тармоклари ишлаб-чиқариш бошкармаси (БухПУЭС) ташкил килинди. Бухоро вилоятида барча туманлар марказларидағи электр тармоклари, электростанциялар капитал курилиши, Бухоро-Газли, Бухоро-Коракул хаво линиялари, подстанциялар, вилоят кишлек хужалнгининг электрлаштириш тармоги бошкарма ихтиёрига утди.

1963 йилнинг июнида Узбекистон ССР энергетика вазирлигининг 51-ракамили (1963 йил 13 нюнь) карорига назорат кенгашининг 885-ракамили (1963 йил 29 май) карорига кура Бухоро электр тармоклари ишлаб чиқариш бошкармаси (БухПУЭС) Бухоро электр тармоклари ташкилоти (БухПЭС) тарзида кайта номланди. Бухоро, Когон, Навоий, Гиждувон, Вобкент, Ромитан, Свердлов, Коракул, Олот, Шофиркои, Кизил-тепа, Бустон, Конимех, Томди туманлари электр тармоклари шу ташкилот ихтиёрига утди.

1964 йилдан Бухоро, Коракул тумани, «Хамза-1» 220 кВ подстанциялари

ишлай бошлади.

Бухоро вилояти электр тармокларининг энергетика системага утиши туфайли дизелли электр станциялар ва энергопоездлар тухтаб колган эди. Катта иштиёқ ва шиддат билан 35-110-220 кВ тармок ва подстанция курилиши бошланди.

1974 йилда 35-10 кВ Жонгелди подстанцияси курилиши якун топиши билан Бухоро вилоятида электрлаштириш ишлари нихоясига етди.

1980 йилда «ВЛ-500» кВ Мари — Коракул юкори кучланишли хаво линияси куриб битказилди ва у 1981 йилдан 220 кВ кучланиш остида ишлай бошлади. Кучланиш 1984 йилга келиб 500 кВга етди. Окибатда Туркманистон энергия системаси билан бодланиш умиди тугилди.

1986 йилга келиб эса ВЛ-500 кВ Гузор – Коракул хаво линияси курилиши ишга тушиши натижасида Узбекистон билан Тожикистон энергия системаси орасида алока урнатилди.

Бухоро электр ишлаб чикариш тармоклари бошкармаси утган йиллар давомида салмокли ютукларга эришди. Ташкилот тарихига назар солганда ажойиб инсонларни эсламаслик гунохдир. Бошкарма жамоасига турли йилларда А.И. Спенарский, А.М. Рахматов, А.А.Ортикбоев, И.Х.Нарзиев каби фидойи кишилар, бош-кош булиб, раҳбарлик килдилар. Мехнати билан танилган ишчилардан Ш.А. Габбасов, А. Р. Журавлев, П.П. Курков, К.Я. Мухамедов, М.Т. Соловьев, Н.В. Гуляев, У.Г. Хамидов, В.П. Пак, Х.К. Хамроев, Ш. Адизов, К.Х. Файзиев, А.А. Кодирметов, Б.Бибутов, Идгам Гильфанов, Изгар Гильфанов кабилар номини хурмат билан кайд килмок даркор. Бугунга келиб оталарнинг шарафли ишини давом эттираётган катта бир авлод бошкарма шуҳратига - шуҳрат кушиб, элу юрт фаровонлиги учун тер тукаётир. Хозирда бошкарма директори лавозимида ишлаб уз жамоаси тотувлиги, корхона равнаки учун жон куйдираётган Я.Н. Хожиев бир неча йиллардан бери купчилик ишончини оклаб келмокда. Бош мухандис В.П. Агапов, ишлаб - чикариш хизмати раҳбарлари В.М. Аксютин, А.Е. Губин, Л.В. Родионов, А.А. Стрелков, Р.А. Амиров, М.М. Махмудов, Р.А. Амиров, В.А. Сауткин сингари талабчан кишилар бошкарма ишларининг илгари борувига муносиб хисса кушиб келяптилар.

Бошшарма таркибида 33 хил булим мавжуд булиб, уларда 1250 киши ишлайди.

Хозирга келиб Бухоро электр ишлаб чикариш тармоклари бошкармаси 2948 минг кВт кувватга эга булган подстанцияни, 13 минг километрга чузилғаи электр узатувчи тармокларни, кишлек ва коммунал хужаликлар энергетикаси хамда шу кабиларни уз ичига олган йирик ташкилот саналади. Бу ташкилот Узбекистондаги ога-ини ташкилотлари ичida техника хавфсизлиги ва меҳнатни

химоя килиш ишларини намунали амалга ошируви, меҳнат мусобакаларида фахрли уринларни эгаллаши билан ажралиб туради.

Корхона раҳбарияти уз ишчи-ходимларининг ижтимоий ахволига эътибор бераб келяпти. Айтайлик, шу якин орада катор ёш оиласарга мебель олиш учун карз берди, даромади кам оиласарга моддий ёрдам курсатмокда, 24 оиласинг яшаш шароитини турли йуллар билан яхшилаб берди. Шу билан бирга «Витамин» номли сабзавот-бог жамоасига мададкор булиб келмоқда.

Бошкарма хузурида 300 болага мулжалланган таътилхона борки, бу ерда факат шу корхона ишчиларининг болалари дам олишга хукуклидирлар. Корхона ишчи-ходимларининг соглигини назорат килиш максадида, 50 кишилик профилакторий курилди. Табибилик ишлари шартнома асосида Бухоро тиббиёт институтига топширилган. Хужалик маҳсулотлари ишчиларга арzon нархда сотилаяпти.

Шофиркон, Коракул, Жондор туманлари хисобидан бошкармага карашли хужалик ташкил килинди. Улар кора мол, куйчилик ва асаларичилик хужалигидан иборат. Бу хужаликлар маҳсулоти ва даромади бошкарма хисобида. Шунингдек, йилига бир миллион банка мева консерваланган холатда ахолига етказилиши мулжалланиб, цех курилмокда, у тез орада ишга тушади. Кооператив тижорат дукони «Дилдора» хам корхона ихтиёридаги дукон хисобланади.

Ташкилот хисобчилари, режалаштириш булими сингарилар ишини осонлаштириш максадида, янги хисоблаш машиналари сотиб олинди.